



«Йўқ», деди.

«Тур! Намоз ўқиб ол!» дедилар ва у намоз ўқиб бўлгунича кутиб турдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«То у намозини ўқиб бўлгунича хутбани тўхтатиб турдилар», дейилган.

Субҳдан кейин унинг суннатидан бошқа нафл макруҳдир. Шунингдек, аср адо қилинганидан кейин, то шомни адо қилгунча ҳам шундай.

مُهَاضِرًا وَنَوِيضًا لِمُحَرِّمِي ذُنُوبِهِمْ؛ لَأَقَامُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمًا  
خُبْرُ صِلَةِ الْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ مِنْ مَعْرُوفٍ يُغْنِي عَنْهُ صِلَةُ الْأَقْرَبِينَ  
أَوْ إِذْ بِالنَّاسِ الْمَسْأَلِينَ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. У киши:

«Менга энг рози бўлинган кишилар гувоҳлик бердилар. Уларнинг ичида энг рози бўлингани Умардир:

«Албатта, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунча ва асрдан кейин (қуёш) ботгунча намоз ўқишдан қайтарганлар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Бу икки вақтда нафл намоз ўқиш макруҳдир. Тиловат саждаси, жаноза намози ва қазо намоз ўқиса жоиз. Лекин бу вақтларда тавофдан кейин вожиб бўладиган икки ракат намоз, шунингдек, нафл намозларнинг қазоси ва назр қилинган намозларни ўқиш таҳриман макруҳдир.

Уламоларимиз мазкур далиллар ва улардан бошқа ҳужжатлару қоидаларни ишга солиб, намоз ўқиш ҳаром ёки макруҳ бўлган вақтларни тартибли равишда баён қилиб берганлар.

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**